УзССР Давлат китоб палатаси

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 7 май, шанба № 84 (21.688). Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ XV СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

5 май куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XV сессияси бошланди.

Уни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов очди.

Мажлис аҳли вафот этган Ўзбекистон халқ депутатлари Р. Чачи ва О. Исаев хотирасини бир дақиқа сукут билан ёдга олди.

Депутатлар сессия кун тартибини тасдиқлади ва котибиятни сайлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов депутатлар ҳузурида катта нутқ сўзлади. Олий Кенгаш республика Президенти нутқи юзасидан қарор қабул қилди.

Олий Кенгаш маданият ва маданий меросни асраш масалалари қўмитаси раиси П. Қодировнинг «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини белгилаш ва Олий нишон — «Олтин Юлдуз» медалини таъсис этиш тўғрисида», «Мустақиллик» ва «Дўстлик» орденларини, «Жасорат» ва «Шуҳрат» медалларини таъсис этиш юзасидан қонун лойиҳалари ҳақидаги маърузаси тингланди.

Таъсис этилган унвон, орденлар ва медалларга оид тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шундан сўнг депутатлар С. Усмонов, И. Файзуллаев, Э. Воҳидов, И. Юсупов, В. Сигедин ва А. Ғуломмаҳмудов бирин-кетин минбарга чиқади. Улар Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, фуқаролар тотувлиги ва бутун халқнинг бунёдкорлик меҳнати билан банд бўлиши учун шароит яратишга қўшган улкан ҳиссасини таъкидлаб, депутатлар, меҳнат жамоалари, жамоат бирлашмалари ва сайловчилар номидан Ислом Абдуғаниевич Каримовга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш ва Олий нишон — «Олтин Юлдуз» медали билан тақдирлашни таклиф қилди. Бу фикрни халқ депутатлари якдиллик ва қўтаринки руҳда қўллаб-қувватлади.

Парламентнинг кечки мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. Бугров бошқарди.

Олий Кенгаш Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги Конституциявий Қонун лойиҳаси, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларнинг лойиҳалари ҳақида маъруза қилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси дастлабки ўқишда маъқулланди. Кейинги иккита Қонун қабул қилинди.

Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш қўмитасининг раиси Э. Хўжаевнинг маърузаси бўйича «Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Банкротлик тўғрисида»ги ва «Қимматли қоғозлар билан амалга оширилаётган операциялардан олинадиган солиқ тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари қабул қилинди.

Республика адлия вазири А. Мардиевнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва жазо ҳамда Жиноят-процессуал кодекслари лойиҳалари тўғрисидаги маърузаси тингланди. Бу икки ҳужжат биринчи ўқишда қабул қилинди.

* * *

6 май куни Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XV сессияси давом этди. Уни Олий Кенгаш Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов бошқарди.

Транспорт, йўл хўжалиги, алоқа ва информатика қўмитасининг раиси Ғ. Заҳриддинов «Электрон-ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Шу масала юзасидан Қонун қабул этилди.

Сўнг депутатлар фан ва экология масалалари қўмитаси раиси А. Жалиловнинг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги ҳамда ошкоралик масалалари қўмитаси раиси Э. Воҳидовнинг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари хусусидаги маърузасини тинглади. Бу қонунлар қабул қилинди.

Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикаси билан бошқа давлатлар ўртасида тузилган шартномалар ҳамда битимларни ратификация этди.

Раислик қилувчи сессия котибиятига республика Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлгани муносабати билан вилоятлар, шаҳарлар ва туманлардан, меҳнат жамоалари ҳамда фуқаролардан кўплаб табрик хатлари, телеграммалари келаётганини маълум қилди.

Сессияда Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида ҳам қонунлар қабул қилинди.

Олий Кенгаш Республика Олий судининг раиси У. Мингбоевнинг таклифига мувофиқ Олий суд таркибига ўзгаришлар киритди.

Олий Кенгаш мажлисида республика Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Олий Кенгаш сессияси ўз ишини тугатди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, Олий Нишон — «Олтин Юлдуз» медали топширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи

Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 5 май.

ЙЎЛИМИЗ—МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЧИЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ XV СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам халқ нойиблари!
Азиз дўстлар!

Диёримизнинг серфайз кўклам фаслида сизлар билан яна бир бор юз кўришганимиздан бағоят мамнунман. Сизларни юртимиз истиқлолининг учинчи баҳори билан чин юракдан муборакбод этишга, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, куч ва ғайрат, бахт ва саодат тилашга рухсат этгайсизлар.

Сўнгги сессиядан бери тўрт ой ўтди. Шу вақт мобайнида мамлакат ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлди. Ўзбекистон ўз тараққиёти ва истиқлолининг янги босқичига дадил қадамлар қўйди.

Бу йўлда орттирган оз бўлса-да тажрибамиз шуни кўрсатадики, ҳаётимизнинг, иқтисодиётимизнинг ўзгаришлари, олға силжишлар ўз-ўзидан, бирданига бўлмас экан. Бу жараённинг пасту баланд ўринлари, машаққатли синовлари жуда кўп. Шу туфайли, танланган йўлни ғоят пухта ва теран ўрганиш, ҳар бир ўтилаётган босқични — қўйган қадамларимизни англаш, онгимизга сингдириш, мақсад этган ва етиб бораётган манзилимизни аниқ тасаввур этиш, бу— барчамизнинг, машаққатли йўлга бел боғлаб чиққан инсонларнинг, аввалambор, фаолларимиз ва етакчи раҳбарларимизнинг муқаддас бурчидир.

Мажозий маънода айтсак, ҳозирги бозор иқтисодиёти — бамисоли бир денгиз, унинг тинч ва саёз жойлари ҳам, чуқур, жўшқин мавжлари ва пўртаналари ҳам бор.

Ҳаммамиз яхши англашимиз керак: шоша-пиша, манзилни билмай, юмуқ кўз билан бу денгиз бўйлаб эркин сузиб бўлмайди. Аввалambор, сузиб ўтиладиган сарҳадни пухта аниқлаб, мустаҳкам кема танлаб ва ишончли қўмонда тузиб, уни нотинч уммонда сузишга ўргатиб, ана ундан кейин йўлга чиқиш керак. Бу шундай мураккаб ва қийин вазифа!

Ана шу хулосаларни ҳисобга олиб, биз мустақилликка эришганимиздан бери ўтган даврда иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ қилиш учун назарий ва амалий дастурларни ишлаб чиқиш билан шуғулландик.

Бугун мамкунлик билан таъкидлашимиз мумкин: гарчи бошда ким нима демасин, қанчалик сайрамасин, ҳаётимизнинг ўзи кейинги икки йилда биз танлаган, ўзимизга хос ва мос йўлнинг тўғри ва асосли эканини исботлади. Собиқ Иттифоқ ўрнида ташкил топган бир қанча давлатлардан фарқли ўлароқ, Яратганга минг қатла шукрки, юртимиз тинч, халқимиз меҳнат билан банд, иқтисодиётимизда катта ўпирилишларга ва қулашларга йўл қўймадик.

Бугунги кунда Ҳамдўстлик мамлакатлари билан иқтисодий ва ҳўжалик алоқалари қанчалик мураккаб эканини яхши биласизлар. Шунга қарамасдан, мамлакатимиз иқтисодиётида аҳвол барқарор бўлиб турибди. Саноат маҳсулоти январь ойига нисбатан 20 фоиз, февралга нисбатан 19 фоиз кўпайди. Бюджетдаги камомад ялпи ички маҳсулотнинг 4,8 фоизини ташкил этди, яъни чамаланган даражадан ҳам озроқ бўлди.

Саноатнинг тармоқ тузилмаларида ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Енгил саноат ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари, ун ёрма ва омихта ем ишлаб чиқариш кўпайди. Ун, нон, ўсимлик ёғи, маргарин ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш миқдори ортди. Ниҳоят, илгари четдан олиб келинадиган кўпгина маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Самарқанд вилоятида тоза спирт чиқарадиган завод, Хоразм вилоятида қанд заводи қурилиши бошланди.

Электр энергияси, нефть ва газ қазиб олиш, нефтни қайта ишлаш, кўмир кончилиги соҳаларида ҳам маҳсулот ҳажми кўпайди. Бухорода нефть маҳсулотларини қайта ишлаш заводи қуриляпти. Юртимизда янги коммуникациялар — темир йўллар ўтказиш, янги қурилишлар, ер ўзлаштириш, ободончилик ишлари кенг миқёсда бораётир.

Аграр соҳада ҳам аҳвол ёмон эмас. Бу йил ғаллазорлар икки маротаба кўпайди. Экиш ишлари жадал суръатлар билан ўтказилди. Ҳаммамиз Оллоҳ таолодан, она табиатимиздан сўрашимиз даркорки, бу йил ҳам меҳнаткаш халқимизнинг насибасини мўлкўл қилиб берсин!

Шу билан бирга, ўтган давр бизни кўп масалалар бўйича тажрибали қилди, кўзимиз очилди. Бугунги кунда ташқи ва ички сиёсатимизни дадил ва бардам юритишда астойдил бел боғлаб меҳнат қилаётган халқимизнинг ўзи бизларга катта мадад бағишлаяпти.

Ҳурматли дўстлар! Бугун иқтисодий ислоҳотнинг янги босқичи бошланди. Аввалambор, ижобий ўзгаришларни ҳам маънавий, ҳам моддий ҳаётимизда кўриш мумкин. Одамларнинг руҳияти, дунёқараши, мулкка ва меҳнатга муносабати ўзгаряпти. Ишбилармонликка ва тадбиркорликка нисбатан ижобий фикрлар уйғонди.

Уй-жойларни хусусийлаштириш, савдо, маҳаллий саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги хусусийлаштириш жараёни амалда тугаш арафасида, саноатда, қурилишда, транспортда, деҳқончилик-саноат мажмунининг гўшт-сут, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқларида йирик корхоналарни ҳиссадорлик корхоналарига айлантириш ишлари фаол давом эттирилмоқда. Молия ва банк тизими қайта тузилмоқда.

Лўнда қилиб айтганда, ислоҳотларнинг янги босқичига ўтиш учун керакли шарт-шароит яратилди. Бу борада шу йил 21 январда чиқарилган Фармонни алоҳида эслаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Унинг аҳамиятини илгари ҳам батафсил баён этган эдик, бугун яна бир карра таъкидлаш лозим деб ўйлайман.

Хўш, 21 январь Фармони бизга нималар берди?

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҒАЛАБА БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВИ

Азиз юртдошлар!

Мустақил Ўзбекистон халқи фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 49 йиллигини нишонламоқда. Бу Ватанимиз тарихида ғоят муҳим аҳамиятга молик бир санадир. Бугун барчамиз урушда шаҳид кетганлар номини ёд айлаб, уларнинг руҳи покларига таъзим қиламиз.

Фашизмга қарши урушда бошқа халқлар қатори бизнинг юртдошларимиз ҳам мардона туриб жон олиб, жон бергиялар. Ўзбекистон фарзандлари кўрсатган қаҳрамонлик тилларда достон бўлган. Биз жангчи юртдошларимизнинг жасорати билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Урушдан кейинги тикланиш давридан тортиб, халқимизнинг ҳозирги тинч ҳаёти ва истиқлолини мустаҳкамлашда ҳам фахрийларимизнинг катта ҳиссалари бор. Бугун ҳам улар ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фидойилик ва ибрат кўрсатмоқдалар, мамлакатимизда тинчлик, осойишталик, фуқаролар тотувлигини таъминлашдек олижаноб ишларда ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар.

Ватанимизда машъум уруш жабрини кўрмаган хонадон қолмаган, инсониятни фашизм вабосидан асраб қолишдек муқаддас бурчни адо этишда халқимиз фарзандлари фақат жангоҳларда эмас, фронт ортида, меҳнат армияларида ҳам мардона фаолият кўрсатганлар. Бугунги қутлуғ байрамда уларнинг ҳам унутилмас хизматларини таъкидлаб ўтиш лозим.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун фидойи, мард ва жасур уруш қатнашчиларини, ҳурматли фахрийларимизни Ғалаба байрами билан самимий муборакбод этар эканман, уларнинг фарзандлари, невара-чеваралари, қолаверса, бутун Ўзбекистон халқи бахтига яна кўп йиллар соғ-саломат бўлиб, узоқ умр кўришларини тилаб қоламан.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз ватандошлар!

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Япония Вош вазири Цутому Хатнинг таклифига биноан ва ўзаро келишувга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1994 йил 16 майдан 19 майгача расмий ташриф билан Японияда бўлади.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси.

1941—1945 ЙИЛЛАРДА ФАШИЗМГА ҚАРШИ УРУШДА ҚАТНАШГАНЛАРНИ ВА МАМЛАКАТ ИЧКАРИСИДА ИШЛАГАН МЕҲНАТКАШЛАРНИ ҒАЛАБА КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ғалаба кунининг байрам қилинниши ҳамда биринчи марта Ўзбекистон Республикаси орден ва медаллари таъсис этилиши муносабати билан 1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва мамлакат ичкариси меҳнаткашлари фашизмга қарши курашдаги, Ватанимизнинг озоздлиги, мустақиллиги, тинч осмони ва гуллаб-яшнаши йўлидаги хизматлари учун:

1. Фашизмга қарши урушда фронтлардаги жанговар ҳаракатларда иштирок этган ҳарбий хизматчилар, ихтиёрий ёлланган шахслар, уруш даврида қуролли кучларда хизмат қилган ҳамда «1941 —1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган «Ғалаба учун» медали билан тақдирланган ҳарбий хизматчилар ва ихтиёрий ёлланган шахслар «Жасорат» медали билан;

1941 йил 22 июндан 1945 йил 9 майгача бўлган даврда халқ хўжалигида камида олти ой ишлаган, «1941 — 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида «Шонли меҳнати учун» медали билан мукофотланган, «Қамалдаги Ленинградда яшаган кишига» нишони бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, иккинчи жаҳон уруши даврида фашистлар ва уларнинг иттифоқчилари томонидан тузилган қамоқ лагерлари, гетто ва бошқа қамоқларда сақланган норасида тутқунлар «Шуҳрат» медали билан мукофотлансин.

2. «Жасорат» ва «Шуҳрат» медаллари ҳамда тегишли пул маблағи Ўзбекистон мустақиллиги кунида, Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан мудофаа вазири, миллий хавфсизлик хизмати раиси, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқарғи Кенгеси раиси, вилоятларнинг, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари томонидан маҳаллий ҳарбий идораларининг, Уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашларининг вакиллари иштирокида тантанали вазиятда топширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 6 май.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВНИНГ АХБОРОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ахборотини тинглаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши шуни қайд этадики, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашни, туб ижтимоий-иқтисодий ва демократик ўзгартишларни кўзлаб ишлаб чиқилган йўл изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Республикани сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтказиш ғояси таъсири остида жамият жиплашмоқда, мамлакат иқтисодиётини соғломлаштириш жараёни кечмоқда. Ҳўжалик юритишнинг янги усуллари қарор топмоқда, бошқарувнинг ташкилий тузилмаларини қайта қуриш давом этмоқда. Фаол ташқи сиёсат олиб борилмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибори мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Республикада жамиятни босқичма-босқич ислоҳ қилиш ҳамда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш юзасидан олиб борилаётган ишлар маъқуллансин, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг нутқида баён этилган қоидалар ва хулосалар қўллаб-қувватлансин ҳамда улар оғишмай амал қилиш ва ижро этиш учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи

Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 5 май.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЕНИЛҒИ-МОЙЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИ СОТИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Енилғи-мойлаш материаллари беришни тартибга солиш, ёнғинга қарши қоидалар бузилишининг, шунингдек, аҳоли ҳаёти ва саломатлиги учун хавф туғдирадиган хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Енилғи-мойлаш материалларини фақат белгиланган тартибда махсус жиҳозланган стационар, кўчма контейнерли автоёнилғи қуйиш шаҳобчаларида сотишга рухсат этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги енилғи-мойлаш материалларини белгиланмаган жойларда ва ёнғинга қарши қоидаларни бузган ҳолда сотиш ҳолларини қатъий бартараф этсин, Ушбу қоидаларга риоя қилмаган шахсларга нисбатан материалларни ўз вақтида расмийлаштирсин ва уларни жавобгарликка тортиш учун тегишли органларга топширсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ўзига берилган ҳуқуқлардан кенг фойдаланган ҳолда, фойдани (даромадларни) яширib қолиш ҳолларини аниқласин, бухгалтерия ҳисоботларини белгиланган тартибга хилоф равишда кечиктириб топширишда ва маълумотларни бузиб кўрсатишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан қонунчиликка мувофиқ ўз вақтида таъсир ўтказиш чораларини кўрсин.

4. Автоёнилғи қуйиш шоҳобчаларининг ишлаш қоидалари тасдиқлансин.

5. «Ўздавнефтмаҳсулот» давлат-акционерлик бирлашмаси, республика вазирликлари, идоралари, корпорациялари, уюшмалари, ташкилотлари нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ҳисобга олиш, ташиш, бериш ва улардан фойдаланиш бўйича амалдаги қоидалар, нормативлар ҳамда стандартларга риоя этилиши устидан қатъий назоратни таъминласинлар.

6. «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси нефть маҳсулотларини сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун иқтисодий жазоларнинг самарали қўлланишини белгиланган тартибда таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вош вазирнинг ўринбосари Қ. Ж. Ҳаққулов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 6 май.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XV сессияси

ЙЎЛИМИЗ — МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЧИЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биринчидан, у мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада юксак босқичга кўтарди, уларга янгича сифат йўналишларини ва кафолатларини берди.

Иккинчидан, хусусий мулкка кенг йўл очиб бериш ва уни ҳимоялаш, мулкнинг барча шаклларидаги ҳар бир корхона ҳамда ишбилармонларнинг тадбиркорлик фаолиятини кучайтириш учун янги имкониятлар очади.

Учинчидан, бизнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятларимизни кенгайтиради, чет эл сармоялари учун юртимизга йўл очади, уларга ҳуқуқий ва иқтисодий имтиёзлар беради, пировардида Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти ва имкониятларини кескин кўпайтиради.

Шу билан бирга, бу Фармон миллий валюта обрўсини кучайтиради, бир сўз билан айтганда эса, давлатимизнинг иқтисодий қудратини оширади.

Тўртинчидан, у яқин келажакда маъмурий-буйруқбозлик замонидан қолган барча тўсиқларни бартараф этади, шу баробар, иқтисодий ҳаётимизга эркинлик бахш этади.

Ҳурматли нойблар!

Ҳаёт ва тажриба шуни кўрсатдики, мулк эгали бўлмаган жойда интилиш, ташаббус ва изланиш бўлмас экан. Биз бугун хусусий мулкчилик ривожи учун яхши замин тайёрладик. Ҳалол ва ташаббускор меҳнатга ҳуқуқий ва иқтисодий кафолат жуда зарур. Масаланинг яна бир томони шуки, хусусий мулк эгалари, яъни ўз мулкини ўзи тасарруф этадиган кишилар ижтимоий ва сиёсий барқарорликдан ўта манфаатдор бўлиб, жамият осойишталиги учун зўр таянч сифатида хизмат қиладилар.

Зикр этилган Фармоннинг яна бир энг эътиборли жиҳати шуки, мамлакатимизда мулкчилик шаклини кескин ўзгартириш ва бу муҳим масалани ечиш, жонлантириш, ниҳоясига етказиш учун тегишли давлат бошқармаларининг таркиби ва низомлари ўзгарди.

Бугун бу масала билан шуғулланаётган вазирлик фақатгина давлат мулкини хусусийлаштириш билан эмас, балки тадбиркор тоифаларга жиддий ёрдам ва кўмак бериш билан ҳам машғул бўлиши зарур.

Ўтиш даврида асосий ишлаб чиқариш тармоқларида давлат концернлари фаолият кўрсатди. Бу ҳол, бир томондан, бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг кўпроқ ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлишини таъминлади. Шу билан бирга, аҳоли турмушини таъминловчи соҳаларни бошқариш ва уларнинг батартиб иш юритишига имкон берди. Энди давлат концернлари, бирлашмалари ва йирик корхоналарни очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш бошланди.

Хусусийлаштириш жараёни республикада қабул қилинган дастур бўйича икки босқичда ўтказилади.

Биринчи босқичда давлат корхоналарини, ишлаб чиқариш бирлашмаларини ва очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларини очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш кўзда тутилади.

Иккинчи босқичда ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилган давлат корхоналари акцияларининг тегишли қисмлари меҳнат жамоаларига, юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан, чет эл фуқароларига сотилади.

Бу чора-тадбирлар ва қабул қилинган қонун ҳамда қарорлар иқтисодиётимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтармоқда. Товар ва хомашё сотувчи биржалар, кўчмас мулк ва қимматли қоғоз бозорлари шакилланмоқда.

Умуман, республика бўйича ҳозирга қадар 50 мингдан, шу жумладан, йилнинг дастлабки кварталида 800 дан ортиқ корхона хусусийлаштирилди. Ўрта ва йирик корхоналарни очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантириш йўли билан уларни хусусийлаштириш бошланди.

Шуни айтиб ўтишни истардимки, республикада амалга оширилаётган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари, Ҳамдўстликнинг бошқа мамлакатларидан фарқли ўлароқ, амалда ялпи иншизликка олиб келаётгани йўқ. Айни замонда, бугунги кунда турли корхоналарда 30 мингдан ортиқ иш жойлари бўш экани маълум.

Бунда тадбиркорлик фаолиятини, кичик ва ўртача корхоналарни, аввалambор — қишлоқ жойларда янада ривожлантириш катта аҳамият касб этади. Бугунги кунда кичик корхоналар сони 22 мингдан ошди. Ваҳоланки, йил бошида улар 18 мингта эди. Хусусий корхоналар сони икки маротаба кўпайиб, 11 мингтага етди. Янги бозор тузилмаларида банд бўлган одамлар тахминан 400 минг кишига етди. Ишлаб чиқарилган миллий даромаднинг учдан бир қисми давлатга қарашли бўлмаган сектор улушига тўғри келади. Бундай натижа бозор иқтисодиётига ўтишда катта қадамдир.

Ташқи иқтисодий алоқаларимиз кўлами ҳам кенгаймоқда ва таркиби ўзгармоқда. Бу йил экспорт қилиш 40 фоиздан ортиқ кўпаяди. Сотиш учун четга чиқариладиган моллар таркибида ҳам ижобий ўзгаришлар бор. Ўтган йиллардагидан фарқли ўлароқ, машина ва ускуналарни импорт қилиш ҳажми 45 фоизга етди.

Ҳурматли дўстлар! Айни вақтда шуни алоҳида таъкидлашимиз зарурки, биз зарур озиқ-овқат маҳсулотларининг анча қисмини ҳозирча хориждан олиб келишга мажбурмиз. Аҳоли эҳтиёжини қондириш мақсадида 1994 йилнинг ўзида **бир миллиарддан ортиқ Америка доллари ажратишга тўғри келади.**

Тасаввур этиш ҳам қийин бўлган бу рақам Ўзбекистонда изчиллик билан юритилаётган сиёсатнинг бошқа маъно ва хулосалари билан бир қаторда, тағин бир муҳим масалага эътиборимизни жалб қилади. Яъни — жамиятни янгиланиш биринчи навбатда қишлоқ хўжалигидан бошлаш тўғри эканини исботлайди. Агар биз мақсадимизга — фаровонликка эришмоқчи бўлсак, агар ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали халқимизни тўлиқ таъминламоқчи бўлсак, иқтисодий ислоҳотни, энг аввало, қишлоқдан бошлашимиз даркор.

Аграр соҳада иқтисодий ислоҳотнинг энг биринчи, энг муҳим босқичи, бу — қишлоқ хўжалигида мулк шаклини ўзгартиришдир, Фермерлик ҳаракатини оёққа турғазишдир. Ҳозир мамлакатимизда тахминан 15 минг деҳқон (фермер) хўжалиги ишлаб турибди. Бу эса бир йил олдингига нисбатан 5 мингта кўпдир. Уларга берилган ер майдони ҳам икки баробар кўпайиб, 105 минг гектардан ошди.

Деҳқонларимизнинг томорқа майдони ҳам кенгаймоқда. Чорвачилик фермалари хусусийлаштирилмоқда, давлат хўжаликларининг шакли ўзгартирилмоқда.

1000 га яқин чорвачилик фермалари жамоа мулки қилиб берилди. Фермер хўжаликларига ва кичик корхоналарга солинадиган солиқ икки ҳисса камайди.

Аҳолига уруғ, кўчат сотувчи фермерларга хизмат кўрсатадиган 100 та дўкон очилди.

Қишлоқда кичик ва ихчам корхоналар сони кўпаймоқда, илғор технологияларни жорий этиш учун ва чет эллик шериклар билан ҳамкорлик қилиш учун ҳуқуқий асос кенгаймоқда.

Хўжаликларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш мақсадида давлат буюртмалари йил сайин қисқартириб борилмоқда. Пахта ва ғаллага давлат буюртмаси 75 фоизгача, гўшт ва сутга — 50 фоизгача камайгани ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа барча турларига нисбатан батамом бекор қилиниши бозор ислоҳотини чуқурлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Мен яна такроран айтмоқчиман: келажагини кўзлайдиган ҳар бир давлат, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги ишларига алоҳида эътибор беради, кўмаклашади, тўсиқларни бартараф этишга ёрдам қилади, молиявий, агротехник, илмий ва сервис соҳаларида кўмагини аямайди. Шундагина қишлоқ хўжалиги билан банд бўлган азаматлар нималарга қодир эканини тўла кўрсатади.

Ана шу борада қилаётган ишларимизда жуда кўп камчилик мавжуд.

Қонунлар, фармон ва қарорлар бор, етарли ҳуқуқ ва имкониятлар берилган. Лекин шу қарорларни бажариш, фаолиятимизда пировард натижаларга эришиш, эски, қотиб қолган бошқарув усулларидан воз кечиш — кўп жойларда муаммо бўлиб турибди.



Суратларни махсус мухбиримиз Владимир МОЛГАЧЕВ олган.

Халқимизда бир мақол бор: «Минг ишчига — бир бошчи». Бундан шундай хулоса чиқадики, аграр секторимизда ҳам самарадорликка эришмоқ учун, биринчи навбатда, ҳар поғонага раҳбарни тўғри танлаш, иш тизимини оқилона ташкил этиш керак.

Бугунги иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард натижалари раҳбар ходимларнинг изланувчанлиги ва тадбиркорлигига, поклиги ва қатъиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бунга ҳеч ким инкор қилолмайди.

Бугун шундай замон келдики, мана шу муаммони ечмасдан, етук раҳбарларга, ёш ва иқтидорли тадбиркорларга ва мутахассисларга кенг йўл очиб бермасдан, уларга таянмасдан туриб асло олга юролмаймиз. Бу ҳаммамизга маълум ва равшан бўлиши керак.

Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, ишсиз одамларни тўла ёки қисман ишлаб чиқариш тармоқларига жалб этиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш доимо диққат-эътиборимизда бўлиши лозим. Саноат ва хизмат кўрсатув корхоналарини қишлоқ жойларига кўчириш, кичик ва ихчамгина тижорат шохобчалари қуриш даркор.

Бизда тоза сув, иссиқлик ва электр қуввати билан таъминланмаган, темир йўл ва автомобиль йўлларидан узоқда жойлашган, коммуникациялар ва қулайликлар етишмаётган айрим қишлоқлар бор. Яна бир бор мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг эътиборини шунга жалб этмоқчиман. Ана шундай қишлоқ жойларини обод этиш учун давлат марказлашган фонддан ва ҳокимиятлар имкониятларидан маблағ ажратмоғи керак.

Мен бу муаммолар ҳақида кўп гапираман. Аммо, яна бир бор гапириш ва талаб қилишим, шу савоб ишни охирига етказишни бурчим деб ҳисоблайман. Чунки бу ерда гап аксарияти қишлоқ жойларда яшаётган халқимизнинг тақдири, келажаги ва фаровонлиги, жамиятимизнинг истиқболи ҳақида кетаяпти.

Биз ҳозир Ватанимизнинг куч-қудратини ошириш, ҳар бир онланинг турмуш тарзини ўзгартириш ва юксак даражага кўтариш, фарзандларимизга бахтли келажак яратиш ҳаракатидамиз. Қисқача айтганда, мустақиллик бизга иқтисодиётимизни яхшилаш, шу муқаддас заминда яшовчи ҳар бир оила ва ҳар бир инсоннинг фаровонлигини ошириш учун хизмат қилмоқда.

Муҳтарам дўстлар!

Бизнинг олга юриш учун қилаётган бугунги саъй-ҳаракатларимиз муҳим бир масалага тақалиб турибди.

Мана, ярим йилдирки, сўм-купонимиз муомалада. Бу, очиқ тан олиш керак, кўп жиҳатдан мажбурий чора эди. Мен миллий валютани жорий этиш инқилоб билан тенг, деган иборани ишлатган эдим. Ҳақиқатан ҳам, бу — шошқалоқликни хуш кўрмайдиган ғоят мураккаб жараён бўлиб, узоқ ва пухта тайёргарликни талаб этади. Айрим кишилар, муваққат валюта шартми, бирданига доимий валютага ўтган маъқул эди, деб юрганини биламиз. Аммо, бу масалада ҳам ўтиш даври бўлмоғи фойдадан холи эмас. Негаки, биз сўм-купон орқали миллий пул бирлигини жорий этиш стратегияси ва механизмини ўргандик. Сўм-купон орқали инфляцияга қарши чоралар ишлаб чиқилмоқда ва синаб кўрилмоқда. Сўм-купон орқали ўзаро ҳисоб-китоблар механизми тайёрланмоқда ва жаҳон валюталари билан муомалада пулимизнинг кучи, қадри ва харид қуввати аниқланмоқда.

Албатта Ҳамдўстлик мамлакатларининг миллий валюталари, шу жумладан, Россия рубли каби сўм-купон ҳам инфляция жараёнини бошдан кечирмоқда. Биз нарх ошаётгани аҳоли елкасига оғир юк бўлиб тушаётганини биламиз ва бу юкни енгиллаштириш чораларини кўряпмиз.

Муаммони узил-кесил ҳал этиш йўли — инфляцияга қарши кенг миқёсли, яхлит ва таъсирчан дастур ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат. Шу мақсадда сўнгги пайтда сўм-купоннинг қувватини мустаҳкамлаш, уни товар ва олтин-валюта заҳиралари билан таъминлаш чоралари кўрилди. Валюта биржасида дастлабки савдолар бўлиб ўтди. Улар сўм-купоннинг курси доллар ва бошқа «қаттиқ» ва «юмшоқ» валюталарга нисбатан анча барқарор эканини кўрсатди.

Миллий валютага ўтиш ва бугунги молиявий сиёсатни юритишда биз жаҳондаги обрўли, етакчи халқаро ташкилотлар билан бамаслаҳат иш олиб боряпмиз. Инфляциянинг олдини олиш учун молия-кредит ва пул сиёсатини қаттиқ ушлаш, иқтисодиётимиздаги айрим номутаносибликларни бартараф этиш, умуман, ҳаракатларни камайтириш тадбирлари шулар жумласидандир.

Муҳтарам халқ депутатлари!

Барча фуқароларни, фаолларимизни қизиқтираётган муҳим муаммолардан бири — Ўзбекистон давлатининг миллий валютасини муомалага киритиш, уни жорий этиш тартибидир.

Ҳаммамизга маълум: миллий валюта — мустақил, эркин давлатнинг асосий белгиларидан биридир. Мустақил давлатнинг валютаси ҳам, Марказий банки ҳам, молия ишлари ҳам мустақил бўлиши шарт.

Молия-кредит сиёсати, ички бозорни нақд пул билан таъминлаш, пул чиқариш миқдори, унинг харид кучи, келажак истиқболимиз учун сармоя ажратиш, кимга қарз бериш ва кимдан қарз олиш, қарзни тўлаш ва ундириб олиш муддатлари, фоиз ставкалари ва шунга даҳли бор масалалар — буларнинг барчаси ҳам ташқи ва ҳам ички иқтисодиётнинг асосий омилларидир.

Лўнда қилиб айтганда, ана шу ҳуқуқлардан ва имкониятлардан жудо бўлган давлат ҳеч қачон ўзини мустақил деб ҳисоблаши мумкин эмас ва уни ҳеч ким мустақил деб тан олмайди.

Мен нима учун бу масалаларга алоҳида диққатингизни жалб этяпман?

Барчамизга аён бўлиши керак: қайси давлатки ўз миллий валютасига эга бўлолмаса, ўз манфаатини кўзлаб мустақил равишда молия-кредит, банк сиёсатини аниқ юргизолмаса, у давлат ҳеч қачон ўз тақдирини, ташкилотлар, хўжаликлар ва инсонлар тақдирини белгилай олмайди ва пировардида бошқа кучли давлатлар кўрсатмаларига муте бўлиб қолади, оқибатда мустақиллигидан муқаррар тарзда жудо бўлади.

Шу хулосани инобатга олсак, бир фикрни яхши англашимиз керак: модомики биз мустақил давлат қурмоқчи **эканмиз, ўз келажагимизни ўзимиз тузмоқчи эканмиз, бунинг асл пойдевори — миллий валютадир.**

Шуни яна бир карра такрорлаб айтиш ва онгимизга сингдириш зарурки, миллий валюта — биз учун олий мақсаддир. Ва бу валюта ўзини мустаҳкам тутган, бошқа валюталар, аввалambор, кучли валюталар орасида обрўли ва қадри баланд валюта бўлмоғи даркор.

Шу билан бирга, аниқ билмоқ керакки, бу олий мақсадга эришиш — бир кунлик вазифа эмас, албатта. Дунё тажрибасини кўз олдимизга келтирсак, бунга эришмоқ учун давлатлар жуда узоқ ва машаққатли йўлларни босиб ўтган ҳамда бор қудратини сафарбар этган.

Азиз дўстлар!

Бир нарсага эътибор бersак, бугунги вазиятни кўз ўнгимизга келтирсак, табиий бир савол туғилади: нима учун Россия рублига эҳтиёж катта-ю, ўзимизнинг сўм-купонга эътибор паст? Бунинг асл сабаб ва омиллари нималардан иборат?

Сабаб шуки, бизнинг минтақамиз, жумладан, **Ўзбекистон ҳам, асосан хомашё ҳудуди сифатида ҳар томонлама собиқ марказга боғлаб қўйилган эди.** Бу жуда пухта ўйлаб ва ҳар томонлама ҳисоб-китоб қилиб юритилган, жуда кўп йиллар давомида уюштирилган сиёсатдир.

Тайёр маҳсулотларга, шу жумладан, озиқ-овқат молларига бўлган эҳтиёжимизни қондиришда ҳам, ишлаб турган ва янги қурилаётган заводу фабрикаларни дастгоҳлар ва ускуналар билан жиҳозлашда ҳам собиқ марказга қарам эдик. Биз шундай кун кечиришга мажбур эдик. Негаки, республикамизга мол олиб келиш ва олиб чиқиш йўллари ҳам, коммуникациялар қуриш сиёсати ҳам худди шу мақсадга мослаштириб қўйилган эди. Буни кўпчилик бугун англаб етди.

Хўш, биз эски тузумдан қолган бу «мерос»дан қандай қутулишимиз, мушкулларимизни қандай енгиллаштиришимиз мумкин?

Аввалambор, истиқлол йўлида чинакам иқтисодий мустақилликка эришишимиз лозим. Жаҳоннинг энг йирик ва қудратли давлатлари билан алоқаларимизни мустаҳкамлашимиз керак.

Ички бозоримизни халқ истеъмоли моллари билан тўлдиришимиз ва шу молларни ишлаб чиқарувчи корхоналар салоҳиятини кучайтиришимиз ва кўпайтиришимиз зарур.

Ишлаб чиқарадиган молларимиз сифатли ва рақобатга бардошли бўлиши керак. Молларимизни, энг аввало, ташқи бозорда, айниқса кенг жаҳон бозорида қанчалик кўп сотиб олишга интилишса ва эҳтиёж билдиришса, оқибатда мамлакатимизга шунча кўп чет эл валютаси кириб келади ва шу баробари миллий валютамизнинг ҳам кучи ошади.

Бу фикрларни оддий бир мисол билан изоҳлаш мумкин. Бугунги кунда турли бозорларда бизнинг сўм-купонни рус рублига алмаштиришда нисбат паст бўлишининг сабаби нима? Биринчи навбатда, бунинг сабабини одамларимизда Россия рублига эҳтиёж катта бўлганини рублга четдан аввалambор керакли мол, ускуна ва жиҳозлар олиб келиш имкони ва зарурати билан тушунтириш мумкин.

Хулоса шундай: қачонки, Россиядан мол келтиришга эҳтиёжимиз камайса ёки, бошқача айтганда, шу молларнинг энг керакли турларини етарли даражада, ички бозоримизда ҳам муҳайё этсак, яъни саноатимиз имкониятлари кеңгайиб, ўша молларни ўзимиз ишлаб чиқарсак ва четга, керак бўлса, Россиянинг ўзига ҳам кўпроқ сотсак, масала ўз-ўзидан ечилиши муқаррар.

Бугунги кунда эса мавжуд қийинчиликларни енгиш учун давлатимиз ўз захираларидаги маблағни рублга алмаштириш йўли билан корхона ва хўжаликларнинг талабларини бажо келтиришга ҳаракат қилмоқда.

Ҳурматли халқ депутатлари!

Энди икки оғиз гап янги валюта жорий қилиш мухлати ва унинг услублари ҳақида.

Очиқ айтиш керак: бугунги кунда миллий валютамиз чоп қилиняпти. Қоғоз пул билан бир қаторда металл тийинлар ҳам зарб этиляпти. Бу йирик тадбирнинг ҳамма томони ҳисоб-китоб қилинган ва насиб этса, тайёргарлик ишлари шу йилнинг биринчи ярмида тугалланади. Муваққат валюта ўз заминимизда қўлланаётгани ва ўзимизда чоп этилганини ҳисобга олсак, уни янги, замонавий, беқиёс даражада чиройли миллий валютамизга алмаштиришда — ишонтириб айтишимиз керак — катта муаммолар бўлмайди.

Тегишли курс ва нисбат билан бугунги сўм-купонлар эндиликда — ҳақиқий миллий валютамизга бемалол алмаштирилади. Ўйлаймизки, бу тадбир яна жамғарма банклари орқали амалга оширилади. Чунки бу тажриба 1993 йил ноябрь ойида ўзини оқлаган эди. Фикримизча, бу нарса одамларимизга ҳам маъқул бўлади.

Азиз юртдошлар! Жамоат фикрини ўрганиш шуни кўрсатдики, мамлакат аҳолисининг кўпчилик қисми янги ислоҳотларни қўллаб-қувватламоқда. Бизнинг асосий таянчимиз, муваффақиятларимиз гарови — ана шу юксак ишонч. Ислоҳотлар ривожи халқ ўз тақдирини ишониб топширган раҳбарларга ҳам боғлиқ. Биз жамиятни қонун асосида ва қонун ёрдамида бошқаришга аҳд қилган эканмиз, ислоҳот қисматини айрим расмиятчилар қўлига топшириб қўймаслигимиз зарур.

Баъзида шундай бўладики, қонун асосида қабул этилган жорий ҳужжатлар қонунининг ўзидан ҳам кучлироқ бўлишга интилади. Бундай зарарли тажрибадан воз кечиш шарт. Қонун устиворлиги таъмин этилса, ҳуқуқий маданият тезроқ юксалса, жамиятнинг равнақи ҳам шунчалик тезлашади.

Жиноятчиликка қарши қаттиқ кураш натижасида шу йилнинг **уч ойида ҳуқуқни бузиш ҳолларининг умумий сони учдан бирга, қотиллик ва талончилик каби оғир жиноят турлари деярли икки маротаба камайди.** Аммо фоиз камайгани жиноятчилик бутунлай йўқолиб кетди, дегани эмас.

Демократик давлат ўз фуқароларига тинч яшаш ва меҳнат қилиш имконини тўла таъминлаб бермоғи керак. Лекин, айни замонда, жиноятчиликка қарши кураш шунчаки кампанияга айланиб кетмаслиги лозим. Бу иш — давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири бўлмоғи зарур.

Аммо, илгари ҳам таъкид этилганидек, жиноятнинг ёпиқ ва энг қабиҳ тури бор. **Бу — коррупция ва порахўрлик.** Жиноятнинг бу тури бошқарув аппаратини издан чиқарибгина қолмай, бозор асосларини ҳам барбод этиши мумкин.

Бюрократ кимса ҳадик ёки масъулиятсизлик туфайли жараённи секинлаштириб қўйса, порахўр кўпинча кўра-билатуриб, ўз манфаатини ўйлаб давлат ва халқ манфаатларига зид қарорларни қабул қилади.

Шу муносабат билан, мен тадбиркор ва ишбилармонларнинг ўзларига ҳам мурожаат қилиш зарур, деб ўйлайман. Порахўрлик, қонунни четлаб ўтиб чайқовчилик қилиш, энг аввало, тижорат аҳлининг ўзини обрўсизлантиради, **аҳолининг қаргишига дучор этади.** Шу сабабли, бозор муносабатларининг виждонли ва софдил тарафдорлари турли ўғри ва муттаҳамларга ўз ораларидан ўрин бермасликлари керак.

Ҳурматли халқ депутатлари!

Азиз дўстлар!

Бизнинг буюк ўтмишимиз бор. Миллий маданиятимиз жаҳон цивилизациясининг энг ёрқин саҳифаларидан жой олган. Ўтмишимиз неча ўн йиллар мобайнида хўрланиб, камситиб келинди. Ниҳоят, истиқлол қуёши чиқиб, миллий қадриятимизни тиклаш йўлига ўтдик.

Ўзбекистоннинг буюк келажаги ҳақида жуда кўп гапириляпти. Бу ҳам тўғри. Негаки, фақат ўтмишни эслаш ва ўтмиш билан фахрланишнинг ўзи натижа бермайди. Мақсадни тўла англамай, истиқболни кўрмай, яшаб ҳам, ишлаб ҳам бўлмайди. Янги давлат бинои қурилар экан, унинг ҳар бир жиҳатини пухта режалаштириш зарур.

Дўстлар! Бир нарсага эътиборингизни тортмоқчиман. Айрим шахслар ўтмиш ва келажак ҳақидаги чиройли сўзларга маҳлиё бўлиб, бугунги кунни, бугун яшаётган кишиларнинг, фарзандларимизнинг, ёшларимизнинг маънавий ва ахлоқий жиҳатларини унутиб қўймаяптими?

Келажак ўз-ўзидан келмайди. У бугунги машаққатли меҳнат билан яратилади. Бугун яратган нарсамиз келажакка ҳам ўтади. Агар бугун шошилиб ниманидир унутсак, келажак авлодлар ўша нарсалардан маҳрум бўлади.

Жамият маданиятсиз, маънавий-ахлоқий қадриятларсиз яшай олмайди. Уларни писанд қилмаган жамият пировард-оқибатда таназзулга юз тутади. Афсуски, шу оддий ҳақиқатни айрим раҳбарларимиз, тадбиркор ва ишбилармонларимиз етарли даражада тушуниб олмаганга ўхшайди. Баъзи жойлардаги мактабларга, болалар боғчаларига, касалхона, кутубхона ва музейларга бир назар солинг. Улар анча ночор аҳволда. Давлат қўлидан келганича ёрдам беряпти, лекин бу ҳали озлик қилади. Бунинг устига, айрим корхона раҳбарлари турли баҳоналарни рўкач қилиб, корхоналарга қарашли ижтимоий муассасалардан қутулишга уринмоқдалар.

Ҳурматли халқ нойблари!

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: хўш, вилоят ва туман ҳокимларининг асосий вазифаси нималардан иборат? Биз уларнинг қўлини хўжалик ишларидан анча бўшатиб қўйдик. Бу ишларни жойлардаги корхона ва хўжалик раҳбарлари, мутахассисларнинг ўзлари ҳал қилсин. Уларга етарли эркинлик берилиши лозим.

Ҳокимларнинг бурчи — халқ тақдирини ўйлаш, майда-чуйда ташвишларга ўралашиб қолмасдан, энг йирик вазифаларни ҳал этиш, маданий ва маърифий ишларга тўғри йўналиш бериш. Ҳокимлар одамларнинг ташвишларидан, юмушларидан хабардор бўлиб, ўзаро бирлаштириб, руҳларини кўтариб, зарур шарт-шароитлар ва маънавий иқлим яратиб, уларни олдимизда турган мақсадлар ижросига сафарбар этишлари лозим.

Албатта, турли хўжаликларга бориб кўрсатмалар бериш осон. Вилоят, туман ва қишлоқларнинг истиқболини кўра билиш эса, ғоят мураккаб ишдир.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XV сессияси

ЙЎЛИМИЗ—МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЧИЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

(Давоми. Боши 1- ва 2-бетларда).

Жойларда йўл қўйилган камчиликларни, бепарволик ва лоқайдлик ҳолатларини кўриб, раҳбарлардан изланувчанлик ва тадбиркорликни талаб этишга тўғри келади. Лекин бу талабларнинг бажарилиши амалда кўриниб қолса, оғирроқ қарорларни қабул қилишга мажбурмиз.

Мен бугун шу минбардан ҳокимларимизга яна бир марта мурожаат қилиб шу гаплардан тегишли хулоса чиқаришни сўрайман. Такрорлаб айтаман: биз ким нима қилишини узил-кесил аниқлаб олдик. Хўжалик раҳбари ўз ишини қилади, қурувчи — ўз ишини! Деҳқон ҳам ўз ишини ўзи эплайди, зиёлининг ҳам ўз бурчи ва ўз юмуши бор. Хулоса шуки, ишини билиб қилаётган одамларга халақит бермаслик керак.

Менинг бу масалада қуйиб-пишиб гапираётганимнинг боиси нимада? Ҳозир ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ва ҳам маънавий соҳаларда олиб бораётган сиёсатимизнинг тақдири бир нарсага — жойлардаги раҳбарларнинг масъулиятига, ўз ишини билиб бажаришига боғлиқ бўлиб қолган.

Халқ ва мамлакат раҳбарияти ишонч билдирган кишилар ўз вазифасини пухта ва ҳалол бажарса бас, бугунги мушкулотлар ўз-ўзидан ечилади. Бунинг учун ҳокимлар маънавий уйғоқ бўлишлари керак.

Чет эл зиёрати билан боғлиқ давлат ишларини саранжом этиб, кейинги ойларда вилоят ва туманларга бориб, маҳаллий ҳокимларнинг иши билан албатта яқиндан танишамиз.

Албатта, уларнинг ҳар бири билан бафурҳа гаплашамиз: қани, оғайни, бир чеккадан гапиринг-чи, нима ишлар қиляпсиз? Халқнинг кўнглини топдингизми? Одамлар ишингиздан розими? Ободончилик қандай? Ижтимоий ва маданий соҳалар қандай? Норозилик йўқми?

Қуруқ баландпарвоз гаплар билан қутулиб кетишни ўйлаганлар хато қилади. Аслида туман ёки қишлоқ марказини бир сидра айланиб чиқилса бас, бутун аҳвол аён бўлади-қолади. Ҳақиқий ҳолатни билиш учун текширишлар, тафтишлар, тергов-лар ўтказишнинг ҳеч ҳожати йўқ.

Ҳокимларимиз орасида ҳалол ва пок инсонлар кўп. Афсуски, баъзида уларда ташаббускорлик етишмайди. Инсон изланувчан бўлиши керак. Вақтни аямасдан, халқ орасида бўлиб, унинг ташвишини билиб, мавжуд муаммоларни ечиш йўлини ахтариш лозим. Билиб қўйинглар, кимдир биров бошқа жойдан келиб, бизнинг ишларимизни бажариб бермайди. Энди турли баҳоналарни ўз ташвишимизни ўзгаларнинг елкасига ташлай олмаймиз. Ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал этишимиз керак.

Бизнинг асосий бойлигимиз, ривожланган давлат тузишга олиб борадиган йўлдаги асосий таянчимиз — инсондир. Юксак малакали ва юксак маънавиятли инсондир.

Бу нарса, айниқса, ёш авлодга тегишли. Келажаги буюк давлат энг биринчи навбатда бўлажак фуқароларининг маданияти, маълумоти ва маънавияти ҳақида ғамхўрлик қилмоғи зарур. Илм ўрганиш ва маънавий-ахлоқий қадриятлар ўрнини турли «Сникерс» ва сигарет савдоси эгаллашига асло чидаб бўлмайди.

Шу сабабли, мен барча ватандошларимизга мурожаат қилиб айтаман: бугун ҳаёт қанчалик оғир бўлмасин, маънавиятимиз ва маданиятимизни унутмайлик!

Бу ўринда сўз фақат ҳомийлик ва раҳнамолик тўғрисида эмас, балки ижтимоий-маданий соҳадаги яхлит давлат сиёсати ҳақида бормоқда. Ўйлайманки, яқинда Президент Фармони билан тузилган «Маънавият ва маърифат» республика маркази фаолияти бу борада кенг кўламли дастур ишлаб чиқиш имконини беради.

Ҳурматли депутатлар! Рухсатингиз билан ташқи сиёсатимиз ва ташқи фаолиятимиздаги муҳим воқеалар ҳақида гаплашиб олсак. Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, бугун Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни, ўз мавқеи ва ўз обрў-эътиборига эга. Давлатимиз, мамлакатимиз кун сайин оёққа туриб, кучга тўлиб бормоқда. Бунинг далилини кейинги уч-тўрт ой мобайнида кечирган ҳаётимизда яққол кўришимиз мумкин.

Жаҳондаги энг йирик ва қудратли давлатлар расмий делегацияларининг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатимизнинг мавқеи ошаётганидан дарак беради.

Яқинда Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Ли Пен ва Франция Республикаси Президенти жаноб Франсуа Миттеранни иззат-икром билан кутиб олдик. Хитой ва Франция каби буюк давлатларнинг раҳбарлари билан бўлган музокаралар, суҳбатлар, тасдиқланган ҳужжатлар ҳақида, келажакдаги ҳамкорлик режаларимиз тўғрисида фуқароларимиз матбуот, радио-телевидение орқали хабардор, деб ўйлайман.

Ташрифлар якуни ҳақида қисқача гапирганда, пойтахтимиз Тошкентда, Хива, Самарқанд заминида бўлган учрашувлар, ҳеч шубҳасиз, самарасини беради, ўзаро алоқаларимизни янги босқичга кўтаради.

Мен бугун, рухсатингиз билан, юксак мартабали меҳмонларни мустақил Ўзбекистон тупроғида илк бор тўлиқ расм-русуми билан кутиб олиш маросимлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Тантанали маросимларни кўп кўрганмиз. Бизлар хорижий мамлакатларга борганда мезбон тараф делегацияларимизни зўр эҳтиром билан кутиб олган.

Бундай иззат ва эҳтиромни Ўзбекистоннинг тобора ўсаётган обрўсига, меҳнаткаш халқимизга, унинг буюк тарихи, маънавияти, салоҳият ва келажагига билдирилган ҳурмат намойиши деб қабул қиламиз.

Афсуски, ўзимизда бу нарсалар йўқ эди. Ўзгаларда кўриб ҳавас қилардик. Худога минг қатла шукр, эндиликда бизлар ҳам чет эллик юксак мартабали меҳмонларни энг олийжаноб халқаро қоидалар даражасида кутиб олиш имкониятига эгамиз.

Эътибор қилган бўлсангиз, аэропортда энг сара ва энг забардаст йигитларимиз саф тортиб турди. Йигитларнинг қандай виқор ва фахр билан саф тортганини, уларнинг адл қадди-қоматини кўрган бўлсангиз керак.

Олий мартабали меҳмонларни аэропортдаги янги бино олдида ва ичкарида кутиб олдик. Бу бино аслида янги ҳам эмас, эскисини кенгайтириб, таниб бўлмайдиган даражада безатиб таъмирладик. «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» деган тамойилимиз бу ерда ҳам қўл келди. Шу сабаб, харажатлар ҳам кўп бўлмади.

Мен Тошкент—2 ҳаво бандаргоҳи ҳақида бу қадар батафсил гапиришимга сабаб шуки, ҳар қандай мустақил, ўз қадрини билган давлатларда бўлгани каби, бу бино — юртимизнинг ўзига хос дарвозаси. Ҳаво йўлидан келган меҳмонлар шу дарвозанинг савлатига қараб мамлакатнинг ўзига ҳам баҳо беради.

Бино залларидан бирида буюк бобомиз Алишер Навоийнинг қаҳрамонлари — Фарҳод ва Шириннинг сурати бор. Бу тасвир юртимизда ўтмишга ҳурмат ва бугунги кун масъулияти узвий эканини яққол намоён этади. Фарҳод сиймосида эркакларимизнинг шижоати ва меҳнати, Ширин сиймосида аёлларимизнинг вафодорлиги, иффати ва гўзаллиги акс этади.

Нега миллий онг, миллий ғурур, миллий мафкура ҳақида жон куйдириб гапирамиз? Бунинг сабаби шуки, биз Ўзбекистонимизни буюк давлатлар қаторига қўшишга аҳду паймон қилдик. Болаларимизни, йигит-қизларимизни шу ғояга қатғиқ ишонадиган буюк давлат фуқаролари, буюк давлатга муносиб фарзандлар этиб тарбиялашимиз лозим.

Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири ана шу буюк ғояга, миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири — катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир.

—Ҳурматли депутатлар!

Давлатимиз ташқи сиёсатининг диққат марказида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибидаги мамлакатлар билан ўзаро тенг ва манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш вазифаси турибди.

Чунки кейинги етмиш йил давомида ҳукм сурган марказлаштирилган буйруқбозлик сиёсати, мустабидлик сиёсати барчамизни узлуксиз тарзда, биринчи навбатда, иқтисодий жиҳатдан ўзаро ипсиз боғлаб қўйган эди. Бунинг таъсирини бугунги ҳаётимизда ҳар қадамда сезиб турибмиз.

Охирги икки-уч йилда бир нарсани яхши англаб олдик: эгар собиқ Совет Иттифоқи таркибидан чиққан мустақил давлатлар бугунги қийинчиликларни енгиш, иқтисодий инқироздан қутулиш мақсадида бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсалар, бу нарса барча халқларга маъқул сиёсат бўлур эди.

Бинобарин, Ҳамдўстлик давлатлари орасида энг кучли ва қудратли, катта салоҳият ва имкониятларга эга бўлмиш Россия Федерацияси билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқалар тизими Ўзбекистон учун жуда муҳимдир. Ва бу мақсадимизга эришиш учун биз кучимиз ва имкониятларимизни аямаймиз. Чунки буюк рус халқи ўзбек халқи билан ҳар доим дўст ва елкадош бўлган, энг оғир дамларда ёрдамга тайёр бўлган халқдир.

Россия Президенти Б. Н. Ельцин таклифига биноан Ўзбекистон расмий делегациясининг Москвага ташрифи, Россия пойтахтидаги қабул маросимлари, музокаралар, учрашувлар, имзоланган ҳужжатлар — ўзаро ҳурмат ва дўстлик, ўзаро ёрдам ва қўллаб-қувватлаш сиёсатининг тимсоли бўлди. Энг қувончли жиҳати шуки, бу муҳим воқеани ҳам рус, ҳам ўзбек халқи катта хурсандчилик ва мамнуният билан кутиб олди.

Ҳурматли дўстлар!

Марказий Осиё ҳудудида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон алоқалари дўстона ривож топмоқда. Ўтган давр мобайнида ғоят муҳим ва шуни ишонч билан таъкидлашимиз керак, — асосий ютуғимиз, бу — Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида товар, иш кучи ва капитал ҳаракати йўлидаги ғовлар олиб ташланганидир. Халқ истеъмоли молларига бож тўлови бекор қилинди. Рухсат ва лицензия талаб этиладиган маҳсулотлар рўйхати кескин камайтирилди, ўзаро сармоя ётқизиш учун ҳуқуқий ва иқтисодий кафолатлар кучайтирилди.

Имзоланган қарорлар ва шартномалар ўзаро ишончимизни мустаҳкамлади, корхона ҳамда одамларимизнинг ишлаш ва ҳаёт кечиришига, ўзаро борди-келдисига анча енгиллик берди, десак адашмаймиз, албатта.

Шахсан мен ўзим қилган ишларимизни Турон заминида, Туркистон заминида яшаётган халқларнинг азалий интилишларига ва талабларига жавоб берадиган ажойиб илк қадамлар деб биламан.

Кимки ўзини шу муқаддас заминнинг асл фарзанди деб билса, шу ерда яшаётган, оғир синов дамларида бир-бирига елкадош, ҳамдард бўлиб келган, томири ва тақдири муштарак халқларимизни ўзаро бирлаштиришда бор куч-қувватини аямаслиги керак, деб ўйлайман.

Ва, азиз халқ ноиблари, сизларни ҳам шунга даъват этаман!

Муҳтарам биродарлар!

Мамлакатимиздаги вазият ҳақида гап кетаркан, атрофимиздаги мустақил мамлакатлардаги аҳвол ва сиёсий кайфиятлар билан ҳисоблашмасдан бўлмайди. Умуман, бугунги кунда илгари собиқ Иттифоқ таркибида бўлган кўпчилик мустақил давлатлар ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ва ҳам маънавий ҳаётларида ғоят мураккаб бир даврни ва шу давр билан боғлиқ катта қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Бунинг сабаби нима?

Баъзи мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, бир вақтлар мустақиллик шабадасидан боши айланган айрим сиёсатчилар, раҳбарлар иқтисодий ва ижтимоий қонуниятларни, умуман ҳаётни билмасдан, унинг машаққатли синовларидан ўтмасдан, қуруқ гаплар билан, бақириқ-чақириқлар билан овора бўлиб қолдилар. Шу тариқа оёқлари ердан узилиб, нуқул осмони фалакда парвоз қилиб, одамларнинг бошини айлантириб ёлғон ваъдалар бериб, бугун нима қилишни билмай бошлари қотиб турибди.

Ўзлари қийналса майли эди, лекин бундай раҳбарларга ишонган халқ ҳам оғир аҳволда.

Қуруқ ваъдалар ва баландпарвоз сиёсат бошқа-ю, амалий ҳаёт ва иқтисод бошқа. Халқимизда бир ибора бор, ҳозир шуни ишлатсак ўринли бўлар деб ўйлайман: Ишқ бошқа — ҳавас бошқа!

Энг долзарб масала — одамларнинг қорнини тўйдириш бўлса, бу ниятни қуруқ гап билан эмас, балки иқтисодий ўзгаришлар ва амалий ишлар билан рўёбга чиқариш мумкин.

Инсонларни ҳимоялаш, боқиш, зарур товарлар билан таъминлаш ва, энг муҳими, уларнинг қалбида келажакка ишонч уйғотиш қуруқ ваъдалар ва жарангдор баёнотлар билан амалга ошмайди.

Сўнгги пайтда ҳаётдан олган аччиқ сабоқларимиздан бири ҳам аслида шу.

Бунинг устига, Россиядаги воқеалар ривожи ҳаммамизни қайтадан ташвишга солмоқда. У ердаги айрим бесаранжом кучлар сиёсий, иқтисодий ва ҳатто давлатчилик инқирозига дучор бўлиб, эски Россия империясини қўмсаб қолгани ғоят ачинарли ҳолдир.

Кейинги пайтларда Евроосиё иттифоқини тузиш ҳақидаги шов-шувлар кўпчиликнинг диққатини тортди. Бундай «иттифоқ»да ягона парламент, ягона давлат тили, ягона фуқаролик, марказий бошқарув органлари бўлар эмиш.

Хўш, айтинг-чи, бунинг собиқ СССРдан нима фарқи бор?

Яқинда Қирғизистон заминида бўлиб ўтган уч давлат — Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон раҳбарларининг учрашувида шу мураккаб масалани ҳам муҳокама қилдик. Биз шахсан дўстим Нурсултон Назарбоев билан фикр алмашиб, орани очиб олдик ва бу масалага муҳим бир аниқлик киритдик. Яъни Евроосиё иттифоқи ҳақидаги масалани кун тартибидан олиб ташлашга келишилди. Ва Қозоғистон—Ўзбекистон дўстлигини кўз қорачиғидай асраш, қўпорувчи кучларга имкон бермасдан, ўзаро ҳурматимизни ва жипслигимизни янада кучайтиришга аҳд қилдик.

Муҳтарам дўстлар! Эски тузумни қўмсаганлар бугунги қийинчиликларни рўкач қилиб, улардан фойдаланиб, ўзларининг қабиҳ ниятларига эришмоқчи бўладилар.

Ортга қайтиш йўқ энди. Олдинда битта йўл бор: истиқлол йўли, мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли. **Эски тузумга қайтиш, бўйинимизни яна ўша эски бўйинтуруққа тиқиб бериш, яна такрорлаб айтаман, минг йиллик тарихимизга, халқимизга, бугун бизга умид билан боқиб турган фарзандларимизга хиёнат, келажак авлодларимиз асло кечирмайдиган гуноҳ бўлади!**

Ота-боболаримиз асрлар мобайнида орзу этган истиқлол йўлига чиқиб олдик. Энди йўлимиз очиқ. **Келажагимиз, албатта, ёруғ бўлажак.** Зийрак одам ҳозирнинг ўзидаёқ бу келажакни яққол тасаввур этиши, ҳатто кўриши мумкин.

Бугун ёши мўътабар отахонларимиз ва онахонларимиз қўлларини дуога очиб: «Илойим, юртимизга тинчлик-осойишталик берсин, халқимизнинг омадини берсин!» деб сидқидилдан тилак ва илтижолар қиладилар.

Агар юртимизнинг дардларини англамасак, аждодларимизнинг озодлик ҳақидаги муқаддас васиятларини амалга оширмасак, айтинглар, азиз биродарлар, биз нима деган одам бўламиз? Агар юртимизнинг чин маънода мустақил бўлишини таъмин этолмасак, кейин қандай бош кўтариб юрамиз?!

Шу йўлни танладикми, аҳди паймонни бир қилиб, қўлни қўлга бериб, гина-кудуратларни четга суриб, юртимиз, Ўзбекистон деб аталмиш гўзал ва муқаддас диёримизнинг равнақи учун бутун борлиғимизни ва ҳатто жонимизни бахшида этишимиз керак.

Муҳтарам дўстлар! Мен сизларга очиқ айтишим зарур: қўшни мамлакатлардаги айрим эски замонни қўмсаган кучлар тағин бош кўтаргач, шунинг шабадасини сезиб, бизда ҳам баъзи эскича фикрловчи, мутелик асоратидан қутула олмаган кимсалар ўзларича ҳаракат бошлайдиганга ўхшайди. Бир ҳисобда, буни ҳам табиий ҳол деб қараш керак. Чунки уларнинг кўнгли аламга тўла. Чунки уларнинг кўпчилиги эски тузум берган мансаб ва имтиёзлардан маҳрум бўлган. **Улар тақдирга тан бериб, индамай яшайверса маъқул бўларди.** Аммо мансабпарастлик ва шуҳратпарастлик балосига мубтало бўлган бундай кимсаларнинг тинч ўтириши қийин. Албатта, бугун замон ўзгача. Шу боис улар ўзларининг асл башараларини яшириш учун турли баландпарвоз шиорлар ниқоби ортига бекиниб, яна эски зўравонлик тузумини, коммунистик партияни тиклашга уринянти. Агар бизлар миллат манфаатларини шиор қилиб кўчага чиқишни мўлжаллаётган миллат ғанимларини кўриб кўрмасликка олсак, уларнинг асл башарасини бугуноқ фош этмасак, уларнинг янгича русумдаги ниқобларини йиртмасак, эртага булар яна «эски ҳаммом, эски тос» қабилидаги ҳаётга қайтаришга уринишлари тайин.

Қани, айтинглар, азиз дўстлар, агар одамларда яхши, олижаноб ният-умидлар, эзгу фикрлар бўлса, нега уларни коммунистик байроқ остига чорлаш керак экан?! Яна кимлар билан шафқатсиз курашамиз? Яна кимларни тазйиқ остига олмоқчимиз? Яна кимларни гумдон қилмоқчимиз? **Синфий гуноҳлари учун яна неча миллион одамни ҳонавайрон қилиш керак?** Умуман, бу интилишларни қандай баҳолаш мумкин? Яна асрий урф-одатларимизнинг, ўзлигимизнинг томирига болта урамизми? Наслу насабимизни қайтадан унутамизми? **Фарзандларимизни яна диксиз ва тилсиз этиб тарбия қиламизми?**

Ана шу хавфни ҳозирдан англамоғимиз зарур. Шу муқаддас заминда яшаган, юртга фарзандлик бурчини ўйлаган ҳар бир инсон бу хатарни ўз вақтида англаб, «ўйинчи»ларга ўз вақтида зарба бериши керак.

Ҳурматли депутатлар! Бу масаланинг яна бир томони бор: эски замонни қўмсаб юрганлар собиқ СССР тарафдори бўлиши муқаррар. Яъни, Москвада ўтирган ва бугун бош кўтараётган эски дўстлари, ҳамтовоқлари ва «мураббий»ларига қўшилиб, ўзлари хоҳласа-хоҳламаса, мустақиллигимизга албатта қарши чиқади. Бу — табиий ҳол. Улар, турган гапки, яна мустабид ҳаётга қайтиш, халқимизни яна эски ва ягона мафкура исканжасига солиш пайидан бўлади.

Бундай интилиш ва ҳаракатда бўлганлар сони, ўйлайманки, бизнинг мамлакатимизда унчалик кўп эмас. Биз уларга тушунтириб айтишимиз керак: келинглар, биродарлар, агар сизларда юрак тоза ва ниятлар соф бўлса, эски тузумдан қолган бесамар ғояларни четга суриб, шу муқаддас замин равнақи учун биргаликда хизмат қилайлик, Ватанимиз чин маънода озод ва обод бўлиши учун курашайлик!

Тарихни ортга қайтариб бўлмайди. Бу — табиат ва жамият қонуни. Шундай экан, бу қонунларга хилоф иш тутган кишилар хато қилади. Халқимизнинг яқин ўтмишда чеккан заҳматларини билатуриб, эски **бўйинтуруқни қайтадан бўйинга илиш — соғлом ақлга зиддир. Елкамизни қайтадан ярим қилмайлик.** Эркин ҳаёт учун бир жону бир тан бўлиб курашайлик.

Азиз дўстлар!

Биз келажакка катта ишонч билан қараяпмиз. Ҳар биримиз шу муқаддас заминга фарзандлик бурчимизни тўғри ва тўлиқ англаб, ўз иш жойимизда ва ўз масъулиятимизни бўйинга олиб, фидойилик билан меҳнат қилсак — марра бизники.

Бизнинг ниятимиз пок. Мақсадларимиз улуғ ва олижаноб. Халқимизнинг меҳнати ва муддаосини Оллоҳ таолонинг ўзи қўллашига имонимиз комил.

Сўзимни якунлар экан, сизларнинг ҳар бирингизга, сизлар орқали бутун Ўзбекистон аҳлига сиҳат-саломатлик, тинчлик, бахт-саодат тилайман.

• 9 МАЙ—ҒАЛАБА КУНИ •

ШУКРОНА

Урушдан ярадор бўлиб қайтиб келганимга ҳам ярим аср бўлибди. Омонлик бўлса, умр оқар сувдек ўтаверар экан. Ўшанда йигирма ёшли йигитча эдим. Орёл шаҳридаги госпиталга тушганимда ният қилгандим: ўлмай юртимга, она Ўзбекистонимга қайтиб борсам қолган ҳаётимни фақат бунёдкорликка бағишлайман, яратувчилик билан банд бўламан. Худога минг қатла шукур, ниятларим холис экан, Ўзбекистон номини таратиш учун қўлдан келгунча меҳнат қилдик. Жанговар орден ва медаллар соҳиби бўлдик.

Биз ўша қирғин баҳсдан урушдан узоқлашар эканмиз, тинчликнинг тобора қадрини чуқурроқ ҳис этгандай бўламиз. Шундай дақиқаларда турмушимиздаги ўткинчи қийинчиликлар ҳеч нарсадай бўлиб туюлади. Чиндан ҳам мамлакатимизда тинчлик, осойишталик барқарор туриши энг катта бойлигимиз. Айниқса, унда-бунда безовталик ҳукмрон ҳозирги замонда Ўзбекистон халқи тинч бунёдкорлик меҳнати билан машғуллиги жаҳон сиёсатдонларининг эътирофига тушмоқда. Биз яхши биламизки, бунга ўз-ўзидан эришилмайди. Юртбошимиз йигирма икки миллионли халқ қайғусида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Хориж сафарларига бориб, ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамламоқда, юртимизга дунёнинг энг танилган давлат арбоблари таклиф этмоқда. Натижада Ўзбекистон номи бутун жаҳонда янграб, унинг ой-юлдузли байроғи баланд ҳилпирамоқда.

Мен ўз меҳнатидан жами завқ-шавқни тўла ҳис этган, армонлари ушалган инсонман. Ҳаётимнинг етмишинчи баҳорида кафтимни очиб фақат битта нарсага дуо қиламан: илоҳим, Ўзбекистонимиз пешонасига битган саодат мангу бўлсин, диёримиз довруғи жаҳонни тутаверсин.

А. ВАЛИЕВ,
уруш ва меҳнат фахрийси, Меҳнат Қаҳрамони.

БЎШ КЕЛМАГАНМИЗ

Инсон ҳаётида шундай воқеалар бўладики, уни унутиш қийин. Мен ҳам йигитлик даврини тез-тез эслаб тураман. Чунки ўн тўққиз ёшга тўлганимда уруш бошланди. Қирқ иккинчи йилнинг майида ҳарбий хизматга чақиришди. Курскда немис-фашистларга қарши жангга кирдик. Белгород яқинидаги бир қишлоқни немислардан озод қилаётган пайтда қўлдан яраланиб, госпиталга тушдим. Жароҳат оғир эди. 1943 йилнинг мартида она қишлоғимга қайтишга тўғри келди. Иккинчи гуруҳ ногирони бўлишимга қарамай, тинним билмай ишладим.

Йиллар ўтаверар экан. Мана, 74 ёшни уриб қўйиб, оқсоқоллик қиляпмиз. Лекин қаридим, демайман. Пойтахтдаги Акмал Икромов туманидаги «Чўпонота» маҳалласиданман. Саккиз ўғил ва икки қиз, 22 набирам бор.

Нима бўлса ҳам дунёда тинчлик бўлсин. 9 май уйда қўш тўй. Урушдан қайтиш ва оила қурилганлигининг 50 йиллиги. Ҳа, тўй бўлсин, ўлим бўлмасин.

К. ОДИЛОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси.

ЗИЁКОР

Бугунги кунда ўзининг муборак 70 баҳорини нишонлаётган Салтанат она хаёлан умр зарварақларини кўздан кечиргандай бўлади: «аслида болаликдаёқ саодат, маърифат йўлини танлаб, янглишмадим», деб кўнгли таскин топади. «Онам раҳматлини отам Шоқосим Ҳадичабону деб мулозамат қиларди, ўзларини эса маҳалла-кўйда: бизнинг миршаб, посбонимиз, дея ҳурматларини ўрнига қўйишарди. Ҳа, онамнинг гаплари қулоғимда: қиз бола учун тарбиячилик бош ҳунарда, дердилар».

Онахоннинг билим олиш, илм сир-асрорларини ўрганиши уруш йилларига тўғри келди. У 9 май Ғалаба куни нишонланган ойларда Низомий номидаги педагогика институтининг дипломини қўлга киритди. Ундаги иқтидор ва қобилият яна ўқишга чорлади. 1946-47 йиллари Москва аспирантурасида таҳсил оларкан, унинг ҳаётида унитилмас воқеа бўлди.

Кейин унинг меҳнат фаолияти бошланди. Ўзи ўқиган институтда болалар руҳияти бўйича сабоқ берди, Маориф вазирлигида мактабгача тарбия муассасалари бўйича назоратчилик қила бошлади. Ўз даврининг эл назарига тушган аёлларидан бирига айланган Салтанат Ҳайдаровага ишонч билдирилиб, 60-65 йилларда район ва шаҳар кенгашларига депутат этиб сайланди. Унинг хизматлари муносиб тақдирланган, «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» бўлиб, собиқ СССР Маориф вазирлигининг аълочиси ҳамдир. Бир қанча ёрлиқлар эгаси.

— Ҳаётда рўзингни сот, рўшноликни ол, деган нақлга амал қилган киши кам бўлмас экан,— дейди онахон.— Ҳамиша яхши ниятйўлдошим бўлди. Болаларнинг отаси билан умргузаронлик қилишни қўнглимга туккандим. Ниятим мустажоб бўлди. Бўлмаса, даҳшатли уруш кўрган йигит тўрт мучаси соғ ватанига қайтиб, менга аҳду паймонликни ва ўзи ҳаётда қилмаганларини ва ўзи ҳаётда қилганларини ҳисобга ол

СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОШҚАРМАСИ 1994 ЙИЛ 21 МАЙ КУНИ КЎЧМАС МУЛКЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШДА «КИМ ОШДИ» САВДОСИНИ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. КАРМАНА РЕСТОРАНИ

Қармана шаҳар Қўчқор Қаршиев кўчасида 2 қаватли бинонинг 2-қаватида жойлашган, фойдаланишда турган бино. Ресторан 1978 йилда қурилган, бир йўла 60 кишига, ёз ва куз ойлари эса 120 кишига хизмат қилади. Бино пишиқ ғиштдан қурилган.

Умумий хизмат кўрсатиш майдони — 600 м².

Дастлабки сотилиш баҳоси — 90 млн. сўм-купон.

2. «ВОЛГА» ГАЗ-31029 МАРКАЛИ МАШИНА

Қора рангли, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, «Седан» типидаги янги автомашина. Машинанинг бошланғич баҳоси — 250 млн. сўм-купон.

3. «МТС» ҲАММОМИ

Қармана шаҳар, Қармана кўчасидаги 5-бинода жойлашган, 1993 йилда қурилиб ишга туширилган. Қурилиш материали пишиқ ғиштдан. Ҳоммомнинг иссиқ ва совуқ сув қувурлари Навоий шаҳрининг иситиш ва сув билан таъминлаш тизимига уланган.

Умумий ер майдони — 4100 м².
Бино эгаллаб турган майдон — 825 м².

Бошланғич сотилиш баҳоси — 120 млн. сўм-купон.



4. ХАТИРЧИ ТУМАНИ ҚОСИМ РАҲМАТОВ НОМЛИ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ МАРКАЗИДАГИ ҲАММОМ БИНОСИ

Ҳаммом биноси 1992 йилда қурилган. Ҳаммом суюқ ёқилғи билан ишлайди. Табиий газ билан таъминлаш арафасида. Ҳаммомнинг орқа томонида 0,3 га ер майдони мавжуд. Бино пишиқ ғиштдан қурилган. Бинонинг эгаллаб турган ер майдони — 500 м². Ишчилар сони — 8 киши.

Дастлабки сотилиш баҳоси — 80 млн. сўм-купон.

5. «ГУЛИСТОН» ҲАММОМИ



Навоий шаҳар Гулистон қўрғонида жойлашган. 1993 йилда ишга туширилган. Қурилиш материали — пишиқ ғишт. Иссиқ сув, совуқ сув, иситиш тармоқлари, инженерлик коммуникациялари марказий инженерлик коммуникациялари тизимига уланган. Бино эгаллаб турган ер майдони — 397 м². Умумий ер майдони — 950 м². Ишчилар сони — 10 киши.

Дастлабки сотилиш баҳоси — 50 млн. сўм-купон.

6. «СПОРТ» МОЛЛАРИ ДУКОНИ

Навоий шаҳар темир йўл бекати ҳудудидаги Ульянов кўчаси 37-уйда жойлашган. Пишиқ ғиштдан, 1965 йилда қурилган бино. Магазин эгаллаб турган майдони — 223,5 м².

Умумий ер майдони — 283,5 м².
Ишчилар сони — 5 киши.
Дастлабки сотилиш баҳоси — 50 млн. сўм-купон.



7. ОҚТЕПА ОШХОНАСИ

Нурота тумани матлубот жамиятига қарашли. Нуротага бориш йўлининг 20-км. белгисида, тоғ бағрида жойлашган. Нурота мармар тошидан қурилган бир қаватли бино. Ошхона бир йўла 60 хўрандага хизмат кўрсатади. 1975 йилда қуриб, ишга туширилган.

Эгаллаб турган майдони — 250 м².

Умумий ер майдони — 0,6 га.
Дастлабки сотилиш баҳоси — 23 млн. сўм-купон.

8. АВТОМОБИЛЛАРНИ САҚЛАШ ЖОЙИ



Навоий шаҳар Низомий кўчасида жойлашган қурилиши битмаган объект. Объект қурилиши 1991 йилда бошланган. 200 та автомобилни сақлашга мўлжалланган. Автомобилларни таъмирлаш жойлари, ювиш ва мойлаш, техник хизмат кўрсатиш, кўздан кечириш чуқурлари бор. 3 та усти ёпилган айвончаси мавжуд. Атрофи панжара билан ўралган. Автомобилларни сақлаш майдони асфальт қилинган. Қурилиш-монтаж ишлари 27,33 фоизга бажарилган.

Бошланғич сотилиш баҳоси — 12 млн. сўм-купон.

9. ҚАРМАНА ҲАММОМИ

Ҳаммом Қармана шаҳар Али Қушчи кўчасида жойлашган. Ҳаммом пишиқ ғиштдан 1960 йилда қурилган.

Бино эгаллаб турган майдон — 310 м².
Ишчилар сони — 8 киши.

Бошланғич сотилиш баҳоси — 8 млн. сўм-купон.

10. ҚУРИБ БИТКАЗИЛМАГАН, 2 ҚАВАТЛИ, 5 ХОНАЛИ КОТТЕЖ УЙЛАР. (4 дона) № 5, 6, 7, 8.



Навоий шаҳар Гулистон қўрғонида жойлашган, қурилиши тугалланмаган, 0,04 га ер майдонини эгаллаб турган. Битта коттеж уйнинг умумий майдони — 150 м².

Шу жумладан яшаш майдони — 98 м².

Ер тўла қисми майдони — 91,8 м².

Қурилиши 1992 йилда бошланган. Қурилиш-монтаж ишлари 30 фоизга бажарилган.

Ҳар бирининг дастлабки сотилиш баҳоси — 10 млн. сўм-купон.

11. АВТОБУС БЕКАТЛАРИ (3 дона).



2 таси Мира кўчасида,
1 таси Горький кўчасида.

Бекатлар Мира ва Горький кўчасида, янги «Деҳқон бозори»га киришда, айланма йўлида жойлашган. Ҳар бир бекатни эгаллаб турган ер майдони — 90 м².

Ҳар бирининг бошланғич сотилиш баҳоси — 10 млн. сўм-купон.

«Ким ошди» савдосига ариза берган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар сотиб оладиган бино бошланғич қийматининг 10 фоизини тўлаганидан кейин қўйилади.

«Ким ошди» савдосига қатнашиш учун аризалар ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача Навоий вилояти давлат мулкини хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасида қабул қилинади.

Манзилгоҳимиз: Навоий шаҳри, Горький кўчаси-4 уй. Шаҳар ҳокимлиги биноси.

Харидорлар ушбу манзилга келиб, қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишлари мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 3-07-28, 3-74-60, 3-72-92.

«Ким ошди» савдосида қатнашувчилардан аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 1994 йил 18 май.

«Ким ошди» савдоси 1994 йил 21 май соат 10.00 да Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида бўлиб ўтади.

«КИМ ОШДИ» САВДОСИГА ҚАТНАШИШГА ШОШИЛИНГ!!! ИМКОНИЯТНИ ҚЎЛДАН БОЙ БЕРМАНГ, АЗИЗЛАР!!!

ҚУТЛОВЛАР

Ҳурматли ва қадрдон дадажонимиз **Абдураҳим ТУРҒУНОВ.**

Сизни, 43 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин қалбдан муборакбод этамиз.

1984 йилдан буён Андижон вилоят судида ишлаб қонунчиликни мустаҳкамлашга қўшиб келаётган ҳиссангиз билан фахрланамиз!

Доимо бахтимизга соғ-саломат бўлинг!

Фарзандларингиз: **Баҳодир, Дилором, Дилфуза, Қодиржон.**

Ҳурматли оғамиз **Олимбой Бобожонович ЮСУПОВ!**

Сизни 32 ёшга тўлганингиз билан чин дилдан табриклаймиз! Сизга узоқ умр, бахту саодат тилаймиз. Оллоҳ йўлингизни, толеингизни кечаси ой, кундузи эса қуёш билан ёруғ равшан этсин. Эзгу тилакларингиз амалга ошсин!

Тақдир мурувватдан тутмасин дариғ,
Иқболга ҳамиша ёр бўлинг, оға.
Сизга ёмон кўзлар тушмасин ҳаргиз,
Бахтимизга бор бўлинг, оға!

Ҳурмат билан: укангиз Шавкат ва келинингиз Дилфуза.

Самарқанд шаҳри.

«Серв» агросаноат фирмасининг Тошкент шаҳар Миробод туманида жойлашган «Чинор» фирмаси 1994 йил 2 майидан эътиборан

ТУГАТИЛДИ

*

Тошкентда янги РАФ микроавтобуси эркин муомаладаги валютага сотилади.

Телефон: 44-19-94.

*

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 12 майда чиқади).

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Ўздеҳқонсаноатбанки» бошқаруви банкнинг ишлар бошқармаси бошлиғи А. А. Иброҳимовга падари бузруквори

Абдураззоқ ИБРОҲИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ва «Ўзбекистон овози» газетаси жамоалари кекса матбаачи М. Ҳ. Йўлдошевга отаси

Адҳамтўра ҚОДИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўздеҳқонсаноатбанки» бошқаруви банкнинг ташқи иқтисодий алоқалар ва валюта операциялари бўлими бошлиғининг муовини И. Ҳакимовга волидаи муҳтарамаси

Ойлархон ҲАЙДАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент архитектура — қурилиш институти ректорати, саноат ва фуқаро қурилиши факультети деканати ва «Грунтлар механикаси замин ва пойдеворлар» кафедраси жамоалари доцент Садриддин Сайфиддиновга онаси

ТУРСУНХОН аянинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон овози» меҳнат жамоаси газетанинг Хоразм вилояти бўйича собиқ мухбири Эркин Мадраҳимовга онаси

Онабиби ҲАСАНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир қайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аскиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Исҳоқ ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-96-12;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-46-24;
Навоийда — 3-74-76;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 52-624;
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Фарғонада — 6-3716.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 21.00.
Г — 939 тир. 85501.

Навбатчилар: Ҳ. НОСИРОВ, А. РУЗИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй. 1 2 3 4 5 6.